

Кўзни зиодан сақлаш



09:00 / 31.12.2022 3311

Аллоҳ таоло: «Сен мўминларга айт, кўзларини тийсинлар...», деди (Нур сураси, 30- оят).

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Назар солиш шайтоннинг заҳарли ўқларидан биридир. Ким Аллоҳдан қўрқиб, уни тарк қилса, Аллоҳ азза ва жалла унга қалбида ҳаловатини топадиган иймон беради», дедилар» (Имом Ҳоким ривоят қилган).

1. Кўзни ҳаромдан сақлаш қалбни гуноҳкорлик алами ва азобидан сақлайди.
2. Кўзни ҳаромдан сақлаш қалбда тақвони кўпайтиради.
3. Кўзни ҳаромдан сақлаш кўзларни ва юзни мунаввар қилади.

4. Кўзни ҳаромдан сақлаш илм йўллари ошонлаштиради, қалбдаги нур воситасида ҳақдан ботилни ажрата олади.
5. Кўзларни ҳаромдан сақлаш қалбга қувват, собитлик ва шажоат беради. Қўрқиб қўйилган Зот фақат Аллоҳ эканлиги ҳиссини кучайтиради.
6. Ҳаромга қарамаслик шаҳватга асир бўлишдан асрайди ва қалбга ёруғлик, сурур бағишлайди.
7. Кўзларни ҳаромдан сақлаш жаҳаннам эшикларидан бирини ёпади ва банданинг Аллоҳга дўст бўлиш даражасини кўтаради.
8. Ҳаромга қарамаслик ақлни қувватлантиради. Амалларнинг оқибатини ўйламамаслик эса ақлнинг заифлашишига олиб келади.
9. Кўзни ҳаромдан сақлаш қалбни ғафлат ботқоғидан сақлайди. Ҳаромга қараш банд билан жаннат ўртасида парда ҳосил қилади.
10. Кўзни ҳаромдан Аллоҳнинг амрига итоат қилиш нияти билан сақласа, банд бу дунёда ҳам, охирада ҳам улўф саодатга эришади.
11. Ҳаромдан кўзни сақлаш заҳарли ўқнинг қалбга қадалишига ва шайтоннинг қалбга киришига тўсқинлик қилади.
12. Кўзни ҳаромдан сақлаш қалбга жаннатга олиб боровчи амаллар билан машғул бўлиш истагини беради...

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф